O‘ZBEKISTON
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
BUNYODKORI
№27 (680) 2023 йил 7 апрель, жума
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 6 апрель куни табиатни муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлар тақдимоти билан танишди.**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маъмурий ислоҳотларга мувофиқ, Табиат ресурслари вазирлиги ташкил этилган эди. Ҳозирги кунда бу соҳада долзарб вазифалар жуда кўп.

Табиий муҳитни асраб-авайлаган ҳолда, қўриқхона ва питомникларда экотуризмни, ов хўжаликларида овчилик туризмини ривожлантириш мумкин. Шу боис табиат масканларига сайёҳларни жалб қилиш, ёввойи ҳайвонларни кўпайтириш учун питомниклар ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Президент сув, ҳаво, ер ва ерости бойликларини муҳофаза қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Хусусан, 500 дан зиёд корхонада сув тозалаш иншооти стандартга жавоб бермайди, баъзиларида умуман йўқ. Компенсация миқдори камлиги сабабли, бундай технология ўрнатишдан кўра, компенсация тўлаш фойдали бўлиб қолган. Шу боис меъёрдан ортиқча оқова учун компенсация тўловини ошириш таклифи билдирилди. Давлатимиз раҳбари экологик назорат инспекцияси фаолиятини йўлга қўйиш бўйича топшириқ берди.

Жумладан, юртимизда йилига 7 миллион тонна маиший чиқинди ҳосил бўлаяпти. Шундан фақат 2 миллион тоннадан зиёди қайта ишланади. Қолган чиқиндилардан пайдо бўлаётган иссиқхона гази ва сизот сувлар табиатга зарар етказаяпти.

Оҳангарондаги эски полигонда чиқиндидан 15 Мегаватт электр энергияси олиш лойиҳаси бошланган. Давлатимиз раҳбари бу тажрибани кенгайтириб, бошқа полигонларда ҳам чиқиндини қайта ишлаш ва муқобил энергия олишни йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади.

Ўрмон хўжалигида дарахт билан қопланган ҳудудлар атиги 8 фоиз экани, албатта, етарли эмас. Кўчатчиликни ривожлантириб, чўлларда 221 минг гектар, тоғ ҳудудида 15 минг гектар ўрмонлар барпо қилишга имконият борлиги қайд этилди.

Бунда, ўрмончилик соҳасини ривожлантириш ҳамда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга оширишда тубдан янги тизимни жорий этишга кўрсатма берилди. Жумладан, боғ ва ўрмонларни барпо этиш марказий молиялаштириладиган манзилли дастур асосида амалга оширилиши қатъий белгиланди.

Гидрометеорология йўналишида автоматлашган метеорологик станцияларни кўпайтириш, гидрологик ўлчов ускуналарини автоматлаштириш, агрометеорологик хизмат бўйича мобиль иловани ишга тушириш чоралари белгиланди.

Бундан ташқари, ҳар бир туман ва шаҳарларда атмосфера ҳавоси ифлосланишини мониторинг қилиш учун автоматлашган кичик станциялар ўрнатилади. Шунга асосан, ҳудудларнинг ҳаво тозалиги рейтинги шакллантирилиб, мансабдор шахслар ишига баҳо бериб борилади.

**ЎзА.**

# ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШ ВА СПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев ёшлар сиёсати ва спортни ривожлантириш бўйича таклифлар тақдимоти билан танишди.**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маъмурий ислоҳотларга мувофиқ, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги тузилган эди. Тақдимотда бу соҳаларда давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш ва уларни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар белгиланди.

Янги тизимга кўра, ёшлар ўртасида фестиваль, форум, танлов ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни ягона йиллик календарь режа асосида ўтказиш жорий қилинади ва бу бўйича маълумотлар yoshlarportali.uz ягона электрон платформасига жойлаштириб борилади. “Ёшлар дафтари” орқали тақдим этиладиган ижтимоий-иқтисодий хизмат турлари 2023-2024 йилларда 1,5 баробаргача оширилади.

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги таркибидаги 3 та давлат унитар корхонаси фаолияти мақбуллаштирилиб, уларнинг функцияси хусусий секторга ўтказилади.

Давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланиш мақсадида соҳадаги 24 та йўналишни қамраб олган “ERP Sport” ягона электрон бошқарув тизими ишга туширилади.

Соҳани рақамлаштириш ва спорт туризмини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, келгуси йилдан бошлаб мусобақаларда қатнашадиган спортчиларнинг шахси ва малакасини идентификация карталари орқали аниқлаш тартиби жорий этилади. Спортга ҳомийлик кўрсатган жисмоний шахсларга чет эллардаги турнирларда иштирок этиш имконияти берилади. Бунинг учун улар ўртасида лотерея ўйинлари ўтказилади.

Соҳа вакилларини қўшимча рағбатлантириш мақсадида Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг стипендияси жорий этилмоқда. Шунингдек, спортчиларга ҳуқуқий, тиббий хизматлар кўрсатиш тадбирлари ҳам назарда тутилмоқда.

Юртимизда футбол энг оммавий спорт тури. Шу боис бу йўналишни ривожлантириш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди. ФИФАнинг махсус дастури асосида боғча ва маҳаллаларда “Оммавий футбол”, ўрта таълимда “Мактабларда футбол” ҳамда олий ўқув юртларида “Талабалар лигаси” дастурларини жорий қилиш таклифи билдирилди.

Иқтидорли футболчиларни танлаш ва тайёрлашнинг узвийлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузурида 14 та футбол мактаби, “Дўстлик” стадиони негизида барча ёш тоифалари учун Терма жамоалар маркази ташкил этилади. Футбол бўйича мутахассисларни тайёрлаш маркази фаолияти такомиллаштирилиб, Хорватия, Япония ва бошқа давлатлардан мутахассислар жалб қилинади.

Соҳа инфратузилмасини ривожлантириш учун Ўзбекистон футболини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тузилади. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари ҳудудий футбол ассоциацияларининг раҳбарлари этиб белгиланади.

Давлатимиз раҳбари бу таклифларни қўллаб-қувватлаб, уларни самарали амалга ошириш юзасидан кўрсатмалар берди.

**ЎзА.**




Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

# Мурожаат қилиш ҳуқуқи такомиллашмоқда

**Содиқ ЮЛДАШОВ, Баҳриддин ҒИЁСОВ,** Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети профессор-ўқитувчилари.

**Президентимизнинг 2017 йил 20 июнда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма беш йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойишида қайд этилганидек, “Халқимиз сиёсий тафаккурининг ноёб намунаси бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ватанимиз мустақиллиги, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларининг мустаҳкам кафолати сифатида юртимизда бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаши борасида асосий пойдевор бўлиб келмоқда”.**

Дарҳақиқат, Конституцияга ўзгартириш киритиш оддий қонунга қўшимчалар қўшишга нисбатан аҳамиятлироқ. Улар хусусияти жиҳатдан бир-биридан бутунлай фарқ қилади. Хусусан, Қонун маълум даражада халққа чеклов белгиласа, Конституция қонунларни қабул қилувчини, яъни давлат ҳокимиятини тўхтатиб туради ва чеклайди, халқнинг ҳуқуқ ва эркинлигини ҳимоя қилади. Шу сабаб иккаласи ҳам “норматив-ҳуқуқий ҳужжат” бўлишига қарамасдан, конституция ва қонун табиати, тартибга соладиган фаолияти, шахслар доираси билан бутунлай фарқ қилади. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, Конституция давлат ҳокимиятига, Қонун эса халққа нисбатан қаратилган.

Аслида, Асосий қонунимизга ўзгартириш киритиш ғояси янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган 2021 йил 6 ноябрдаги Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги маърузасида илгари сурилган бўлиб, унда: “Барча номзодларнинг сайловолди учрашувларида электорат вакиллари томонидан бугунги кунда ҳаётнинг ўзи, ислоҳотларимиз мантиғи талаб этаётган яна бир муҳим таклиф илгари сурилди. У ҳам бўлса, мамлакатимизда конституциявий ислоҳотларни амалга оширишдан иборат. Агар дунё тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, туб бурилиш даврида кўпгина давлатларда конституциявий ислоҳотлар амалга оширилганини кўрамиз. Шу сабабли, аввало, сенатор ва депутатларимиз, кенг жамоатчилигимиз, халқимиз билан яна бир бор маслаҳат қилиб, жаҳон конституциявий тажрибасини ўрганиб, пухта ўйлаган ҳолда бугунги ва келгуси тараққиётимизни белгилаб берадиган Асосий қонунимизни такомиллаштириш масаласини ҳам кўриб чиқишимиз керак”, дея таъкидланган эди.

Қонун лойиҳасида амалдаги Конституция моддалари 128 тадан 155 тага ёки 27 тага кўпайганлиги ёки ҳуқуқий нормалар 275 тадан 434 тага ёки 159 тага ошаётганлиги, янада аниқроқ айтганда, Асосий қонуннинг 65 фоиз матни янгиланаётганлиги бу соҳада тубдан ислоҳ амалга ошириш эҳтиёжи мавжудлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мурожаат қилиш ҳуқуқига доир 35-моддасида назарда тутилган “Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт”, деган ҳуқуқий нормага киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда ўзига хос аҳамият касб этади.

▶ 2-бет

# Дарахт учун компенсация олинадими?

**Ислом ИБОДУЛЛА,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Уй-жойи бузилишга тушган мулк эгалари нималарни билиши керак? Албатта, улар ўз хонадонлари учун компенсация тўлашнинг мавжуд қоидаларини жиддий ўрганишлари мақсадга мувофиқ. Негаки, ҳаётининг асосий қисми ўтган уй-жой ҳар бир инсон учун бебаҳодир. Унинг ҳар қаричи – олтинга тенг...**

Биламизки, уй-жой унинг эгасидан “снос” ёки бошқа вазиятларда олиб қўйилганда компенсация тўланади. Қизиғи, бу компенсация фақат уйнинг ўзигагина эмас, ҳудуддаги мавжуд моддий ва номоддий кўчмас мулк объектлари учун ҳам тўлаб берилади. Ушбу мулк объектлари сирасидан нафақат моддий ашёлар, балки кўп йиллик дарахтлар ҳам ўрин олган. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида кишилар ўзларининг муқим уй-жойларига эга эмас ва уларнинг айримлари бутун умр ижарада яшайди. Шу ўринда, Ўзбекистон аҳолисининг хусусий уй-жойга эгалигига кўра кўплаб давлатларга ўрнак бўла олади. Биз учун ерга бўлган қараш қадрият даражасида шаклланган.

Айтиш кераккки, янгиланаётган Конституциянинг 47-моддасида ҳам ер ва уй-жой дахлсизлиги эътироф этилмоқда. Унга кўра, “Ҳар ким уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эга. Ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши таъминланади.

Давлат уй-жой қурилишини рағбатлантиради ва уй-жойга бўлган ҳуқуқнинг амалга оширилиши учун шарт-шароитлар яратади.

Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларини уй-жой билан таъминлаш тартиби қонун билан белгиланади”.

Ер участкаси ёки ер участкасининг бир қисми – ер фондининг муайян чегарага, қайд этилган майдонга, жойлашиш манзилига эга бўлган, у ерда жойлашган турар ва нотурар кўчмас мулк объектлари мулкдорларига белгиланган тартибда эгалик қилиш, доимий фойдаланиш ёки вақтинчалик фойдаланишга берилган, шу жумладан, кўп квартирали уйлар билан банд бўлган қисми ҳисобланади.

▶ 2-бет

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№27 (680) 2023 йил 7 апрель

# Қурилиш материаллари соҳасида банд ходимлар сони қанча?

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Тобора тараққий этиб бораётган қурилиш материаллари саноати туфайли бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланиш даражаси аввалгига нисбатан анча ўсганини кўриш мумкин. Ҳудудларда ташкил этилаётган кўплаб янги ишлаб чиқариш корхоналари ва уларда яратилаётган замонавий маҳсулотлар қурувчилар ишини янада осонлаштириш билан бир қаторда уй-жойлар таннархининг ошиб кетмаслигига ҳам хизмат қилмоқда.**



Сон ва сифат жиҳатдан ҳам юксалиб бораётган қурилиш материаллари тармоғида қанча киши бандлигини биласизми?

Бугунги кунда юртимиз қурилиш материаллари соҳасида умумий банд ходимлар сони 140 минг нафарни ташкил этади. Шундан 7 минг нафари маъмурий бошқарув ходимлари, 21 минг нафари муҳандис ва технологлар, 112 минг нафари ишлаб чиқариш ходимлари ҳисобланади. Бу ҳақда АОКАда “Қурилиш материаллари соҳасида кадрлар тайёрлаш масалалари таҳлили” мавзусида ўтказилган брифингда “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси Ахборот хизмати раҳбари Жамшид Шерметов маълумот берди.

Брифингда таъкидланишича, соҳада қўшимча ишчи ресурсларига эҳтиёж 50 минг нафарни ташкил этиб, шундан 40 минг нафари ўрта махсус маълумотли мутахассислар ҳисобланади. Булар цемент майдаловчи, клинкер куйдирувчи, машинист, кончи, тоштарош, шишасоз, оператор ва бошқалардан иборат ишчилардир. 10 минг нафари эса олий маълумотли мутахассислар бўлиб, улар кимёгар технолог, муҳандис, энергетик ва бошқалардан иборат.

Ҳозирги кунда юртимизнинг 21 та олий таълим муассасасида соҳага кадрлар тайёрланмоқда. Республикадаги муҳандис-техник йўналишдаги олийгоҳлар томонидан ҳудудлар эҳтиёжидан келиб чиқиб, аниқ йўналиш ва тармоқ учун хорижий олийгоҳлар билан биргаликда муҳандис ва технологлар тайёрлаш йўлга қўйилади. Жумладан, Тошкент архитектура-қурилиш университети тармоқда Туркиянинг ихтисослашган олийгоҳларини жалб этган ҳолда муҳандис ва технологлар тайёрлайди.

– 2026 йилга қадар, қурилиш материаллари соҳаси учун 10 минг нафар олий маълумотли мутахассис – кимёгар технолог, муҳандис, энергетик ва бошқа йўналишдаги кадрлар тайёрланиши кўзда тутилмоқда, – деди Жамшид Шерметов. – Шунингдек, республиканинг 16 та профессионал таълим муассасасида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати бўйича мутахассислар тайёрлаётган касб-ҳунар коллежлари билан ҳамкорликда 2026 йилга қадар 40 минг нафар ўрта-махсус маълумотли мутахассис ва ишчи тайёрланишига эришилади. Бу борада “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институти, Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги, Банк-молия академияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “El-Yurt umidi” жамғармаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги “IT Center” Ахборот технологияларини ривожлантириш маркази, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг малака ошириш маркази, Турин политехника университети ҳузуридаги Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Шунингдек, соҳага малакали кадрларни янада кўпроқ етказиб бериш мақсадида тармоқда камида беш йил иш стажига эга бўлган фуқароларни сиртқи ва кечки таълим шаклига суҳбат натижаларига кўра табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш бўйича ҳар йили 100 тагача ўрин ажратилмоқда. Хусусан, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси томонидан 2019/2020 ўқув йили учун 82 нафар, 2020/2021 ўқув йили учун 48 нафар, 2021/2022 ўқув йили учун 10 нафар, 2022/2023 ўқув йили учун 22 нафар ходимга жами 162 та тегишли тавсияномалар берилиб, улар олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинди.

Юртимизда бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар келгусида бунёдкорлик ишлари сифат ва сон жиҳатдан янада юксалишига хизмат қилади, деган умиддамиз.

# Мурожаат қилиш ҳуқуқи такомиллашмоқда

◀ 1-бет

Қонун лойиҳасида давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқи 40-моддада “Ҳар ким бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда давлат органларига ҳамда ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, мансабдор шахсларга ёки халқ вакилларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт” деган матнда берилмоқда.

Бунда, *биринчидан,* шахсларга ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш, бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини тиклаш ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамият ва давлат фаолиятини такомиллаштиришда иштирок этиш мумкинлигини кўрсатувчи ҳуқуқ қоидалари назарда тутилган; *иккинчидан,* мурожаатларни кўриб чиқадиган давлат органлари, ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, улар мансабдор шахсларига муайян ҳаракатларни содир этиш шартлигини кўрсатувчи ёки маълум бир мажбурият юкловчи нормалар сифатида акс эттирилган.

Қонун лойиҳасининг қайд этилган моддаси матни “*фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига*”, “*ташкилотларига*”, “*мансабдор шахсларга*” каби нормалар билан тўлдирилмоқда. Қоида тариқасида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат органлари тизимидан ажратилган ва алоҳида турдаги ҳокимиятни амалга оширувчи орган бўлиб, Конституциянинг 105-моддасида ҳуқуқий мақоми белгилаб қўйилган.

Бироқ Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаатлари соҳасидаги муносабатлар янги таҳрирдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни билан тартибга солинган ва улар билан ишлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 январдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 7-сон Қарорида белгиланган.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон фармони билан тасдиқланган “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”нинг “Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш” деб номланган I бандининг 1-мақсадида маҳалладан туриб барча давлат идораларига мурожаат қилиш тизимини яратиш, давлат ва ижтимоий хизматларни бевосита маҳаллада кўрсатиш ғояси илгари сурилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Конституция лойиҳасининг мурожаат қилиш ҳуқуқи қайд этилган моддаси “*фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига*” деган матн билан тўлдирилиши бугунги кун талабига тўлиқ мос келади.

Шунингдек, Қонун лойиҳасининг мурожаат қилиш ҳуқуқига оид 40-моддасида назарда тутилаётган матнга “*ташкилотларига*” деган ибора қўшилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 40-моддаси талабидан келиб чиқиб, ташкилот юридик шахсларнинг турлари таркибига кириб, давлат иштирокидаги унитар корхоналар, давлат улуши бор хўжалик бирлашмалари, акцияларининг кўпчилиги давлат эгалигида бўлган бирлашмалар ташкилотлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 76-моддаси талабига кўра, *муассасалар* – бошқарув, ижтимоий-маданий вазифаларни ёки тижоратчиликдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга ошириш учун мулкдор томонидан ташкил этилган ва тўла ёки қисман молиявий таъминлаб туриладиган ташкилот ҳисобланади. Берилган фактлардан келиб чиқиб, муассаса ва ташкилот ўртасидаги фарқни кўриб чиқдик. Бироқ амалдаги Конституциянинг 35-моддасида ташкилотга мурожаат қилиш ҳуқуқи нормаси кўрсатилмаган бўлиб, ушбу бўшлиқни тўлдириш мақсадида Қонун лойиҳаси “*ташкилотларига*” деган матн билан тўлдирилмоқда.

Қонун лойиҳасидаги 40-моддада аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шартлиги назарда тутилган. Бу қоида ваколатли органлари ва улар мансабдорларига мажбурият юклайди. Одатда, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасидаги масалалар мансабдор шахслар ваколатларига тааллуқли бўлиб, бу ҳолат янги таҳрирдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунида кўрсатиб ўтилган. Шу боис, Конституция лойиҳасидаги мурожаат қилиш ҳуқуқига доир модда “*мансабдор шахсларга*” деган ибора билан тўлдирилишиш айни муддао бўлади.

Бундан ташқари, амалдаги Конституциянинг 35-моддасида назарда тутилган “*ваколатли давлат органларига*” деган матндаги “*ваколатли*” деган ибора Қонун лойиҳасидаги матндан чиқарилмоқда. Бу ҳолатда ваколатсиз давлат органлари мавжуд бўлмаслиги эътиборга олинган.

Умуман олганда, Конституция лойиҳасининг мурожаат қилиш ҳуқуқига доир 40-моддасига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар, *биринчидан,* давлат органларига мурожаат қилиш институти доирасини янада кенгайтириш, *иккинчидан,* янги таҳрирдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунида назарда тутилган ҳуқуқ нормалари билан ўзаро тушунмовчиликларни бартараф этиш учун хизмат қилади.

# Энергетика соҳаси янги давр бўсағасида

**Ислом ИБОДУЛЛА,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Иқтисодий ривожланишни электр энергиясисиз тасаввур қилиш мумкинми? Албатта, саноат ишлаб чиқариш электрсиз ҳеч қачон ҳаракатлана олмайди. Президентимизнинг яқинда қабул қилинган “Гидроэнергетика соҳасини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори энергетика соҳасида янги даврни бошлаб беради.**



Мазкур қарор мазмунан тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароит яратишни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Унга кўра, 2030 йилга қадар гидроэнергетиканинг умумий қувватини 4 999 МВтга етказиш, шу жумладан, Жамият томонидан қўшимча 2 311 МВт ҳамда хусусий инвесторлар иштирокида 615 МВт қувватларни ташкил этиш мақсад қилинган.

Айтиш керакки, бу борадаги ҳаракатлар аввалроқ бошланган бўлиб, охирги 4 йил ичида республикамизда генерация қувватларини ошириш мақсадида халқаро компаниялар билан умумий қиймати 10 миллиард 148 миллион долларга тенг, умумий қуввати 11 954 МВт бўлган 25 та электр энергиясини сотиб олиш шартнома ва инвестиция битимлари имзоланди. Мазкур битимларга кўра, 2026 йил якунига қадар юртимизда умумий қуввати 11 954 МВт бўлган 25 та электр станция – 9 та иссиқлик, 9 та қуёш ва 7 та шамол электр станциялари ишга туширилади. Бу Ўзбекистонда амалдаги электр энергиясини ишлаб чиқариш ҳажмининг 60 фоиздан ортиғини ташкил қилади.

– Мамлакатимизда сўнгги йилларда кузатилаётган иқтисодий ўсиш даражаси бевосита энергетика соҳасининг ҳам ривожланишига туртки бўлмоқда, – деди “Гидропроект” АЖ матбуот котиби Юлдуз Юсупова. – Айниқса, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш зоналарининг кўпайиши, маҳсулотга талаб ортида ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши бутун мамлакат бўйлаб электр энергиясига бўлган талабни кучайтирмоқда. Эндиликда мазкур муаммоларнинг олдини олиш мақсадида ўлкамизнинг энергетик кўриниши маҳаллий ва хорижий инвестициялар ҳисобига анчайин бойийди.

Ишга туширилаётган мазкур электр станцияларнинг лойиҳалари бутун мамлакат бўйлаб амалга оширилади. Жумладан, Навоий вилоятида 2024 йилга бориб умумий қуввати 600 МВт бўлган 2 та қуёш ва шамол электр станциясини ишга тушириш кўзда тутилган. Самарқанд вилоятида 2024 йилга қадар умумий 1 320 МВт бўлган 3 та қуёш фотоэлектр станцияси қурилади. 2026 йилга қадар Сирдарё вилоятида умумий қуввати 3 293 МВт бўлган 3 та иссиқлик электр станцияси ишга туширилади.

Тошкент вилоятида 2022 йилда умумий қуввати 710 МВт бўлган 3 та иссиқлик электр станцияси, шунингдек, 2024 йилда қуввати 400 МВт бўлган битта қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилиши мўлжалланган. Бухоро вилоятида 2024 йилга бориб умумий қуввати 1 520 МВт бўлган 4 та, Хоразм вилоятида 2025 йилда умумий қуввати 274 МВт электр станциялари ишга туширилади. Сурхондарё вилоятида 2025 умумий қуввати 2 017 МВт бўлган қуёш ва иссиқлик электр станциялари фойдаланишга топширилади. Қорақалпоғистон Республикасида 2025 йилда умумий қуввати 1 600 МВт бўлган 4 та шамол электр станцияси фаолияти йўлга қўйилади.

Мамлакат бўйлаб амалга ошириладиган ушбу лойиҳаларнинг ишга туширилиши натижасида 11 954 МВт қувватдаги электр энергияси ишлаб чиқаришга эришилади ҳамда аҳолининг узлуксиз электр энергияси билан таъминланганлик даражаси ҳам ошади.

ҲУҚУҚИЙ МАЪЛУМОТ

# “Сув ҳисоби” ахборот тизими яратилади



“Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди. Қарорга кўра, 2023 йил 1 апрелдан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги тартиби белгиланади:

тижорат банклари кредитларининг гаров таъминоти 50 фоизгача, бироқ 2,5 миллиард сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси кафиллиги асосида таъминланади;

тижорат банкларининг миллий валютада ажратиладиган, фоиз ставкаси Марказий банк асосий ставкасининг 1,5 бараваридан ошмаган кредитлари бўйича фоиз ставкасининг асосий ставкадан ошган, бироқ асосий ставканинг 30 фоизидан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун Жамғарма ҳисобидан компенсация тақдим этилади.

2024 йил 1 мартгача Қашқадарё вилояти Касби туманида барча сув кириш нуқталари бошқарувини рақамлаштириш ва сувни фойдаланувчиларга етказиб бериш бўйича тажриба-синов лойиҳаси амалга оширилади.

Шунингдек, қарорга кўра, сув етказиб берувчи ташкилотлар ва сув истеъмолчилари ўртасида расмийлаштирилган далолатномаларни ҳар ой якуни билан электрон шаклда тўлдириш ҳамда электрон рақамли имзолар орқали тасдиқлаш имконини берувчи “Сув ҳисоби” ахборот тизими яратилади.

2025 йил 1 январдан қуйидаги тартиб жорий этилади:

республиканинг барча ҳудудларида “Сув ҳисоби” АТ жорий қилинади;

қишлоқ хўжалиги ерларини суғоришда ишлатилган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни ҳисоблашда “Сув ҳисоби” АТ орқали тақдим этилган маълумотлар асосида солиқ органлари томонидан солиқ ҳисоботларини автоматик шакллантириб бериш амалиёти жорий этилади.

2023 йил августгача 2022 йилда сувни тежайдиган технологияларни жорий қилган ҳамда субсидия маблағларининг 50 фоизини олган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига тизимларнинг ишлатилишига қараб белгиланган субсидия миқдорининг қолган 50 фоизи туман ишчи гуруҳи хулосаси асосида ажратилади.

2023 йил 1 майгача сув ресурсларидан самарасиз фойдаланиш ва сув хўжалиги объектларининг гидротехник иншоотларидан ноқонуний фойдаланиш юзасидан жавобгарликни кучайтириш бўйича таклиф ишлаб чиқилади.

2023 йил 1 майгача сув ресурсларидан самарасиз фойдаланиш ва сув хўжалиги объектларининг гидротехник иншоотларидан ноқонуний фойдаланиш юзасидан жавобгарликни кучайтириш бўйича таклиф ишлаб чиқилади.

**Ўз мухбиримиз.**

# Дарахт учун компенсация олинадими?

◀ 1-бет

Мазкур ҳудуд маълум сабабларга кўра, фуқародан олиб қўйилиши мумкин. Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш мудофаа ва давлат хавфсизлиги, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эҳтиёжлари, эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилиш ва уларнинг фаолият юритиши учун ерларни бериш, халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш мақсадида қилиниши мумкин. Шунингдек, фойдали қазилмалар конларини аниқлаш ва қазиб чиқариш, автомобиль йўллари ва темир йўллар, аэропортлар, аэродромлар, аэронавигация объектлари, авиатехника марказлари, темир йўл транспорти объектлари, кўприклар, метрополитенлар, туннеллар, энергетика тизими объектлари, электр узатиш тармоқлари, алоқа тармоқлари, космик фаолият объектлари, магистрал қувурлар, муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш, аҳоли пунктлари бош режаларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига объектлар қуриш қисмида ижро этиш, қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида тўғридан-тўғри назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам амалга оширилади.

Ташаббускор томонидан бузилаётган бино-иншоот учун томонларнинг розилиги билан компенсация миқдори, тури ва бериш муддати, шунингдек, бошқа шартларни назарда тутувчи ташаббускор ва мулкдор ўртасида тузилган, нотариал тартибда тасдиқланган ёзма шаклдаги шартнома ўзаро тасдиқланади. Айтиш керакки, компенсация тўланадиган объектлар ичида кўп йиллик ўсимлик ва дарахтлар алоҳида ўрин тутади. Ташаббускор томонидан бузилаётган уй-жой хатловга олиниши давомида мавжуд дарахт ва ўсимликлар ҳам алоҳида ўрганилиб, унинг пул ёки бошқа кўринишдаги параллел қиймати шакллантирилади.

Яшаб турган ҳудуднинг ҳар бир қаричида бизнинг узоқ йилларга татигулик хотираларимиз бор. Хонадонларимиздаги ҳар бир ашё биз учун қадрлидир. Уй-жойнинг бузилиш ҳолатларида, албатта, биз учун қадрли бўлган ҳар бир нарса учун компенсация олишга ҳақлимиз. Жумладан, уй-жой ҳудудидаги кўп йиллик дарахтлар учун олинадиган компенсация шулардан биридир.

# Эзгу ғоя инсон қадрини улуғлашга қаратилган

**Наргиза МИРЁҚУБОВА,**
“Oʻzbekiston bunyodkori” мухбири.

**Сўнгги олти йилда мамлакатимиз аҳолиси 5 миллион 500 минг нафарга ўсиб, 36 миллиондан ошди. Уларга муносиб турмуш шароитлари яратиш мақсадида турар жойлар қурилмоқда.**



Хусусан, 2017 йилдан бошлаб, 326 мингта янги уйлар фойдаланишга топширилган. Бу даврда уй-жой билан таъминлаш аҳоли жон бошига 18 фоизга ошган.

Бунинг учун сўнгги уч йилда банклар 210 минг оилага 33 триллион сўмлик ипотека кредитлари ажратган. Эҳтиёжманд 73 минг оилага бошланғич бадал ва фоиз тўловлари учун 1,3 триллион сўм субсидия берилган.

Соҳага бозор тамойиллари жорий қилингани натижасида юзлаб хусусий буюртмачи компаниялар шаклланди. Йиғма темир-бетонли кўп қаватли уйлар қурувчи 11 та йирик кластер пайдо бўлди. Тадбиркорларга шароит яратилгани туфайли цемент, газоблок, кафель, керамогранит ишлаб чиқариш кўпайиб, уларнинг нархи анча арзонлашди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига асосан бугун ҳудудларда кўп қаватли уй-жойлар бунёд этилмоқда. Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилиб, ўтган йили 60 минг хонадонли кўп қаватли уйлар барпо этилди. 31 та ҳудудда “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш дастури бошланди. Тошкентдан Ангоргача, Фарғонадан Янгиариққача бўлган ҳудудларда қад ростлаётган “Янги Ўзбекистон” массивларида бу каби эзгу ташаббусларга гувоҳ бўлиш мумкин.

“Янги Ўзбекистон” массивлари қуришдан асосий мақсад аҳолини уй-жой билан таъминлаш, турмуш фаровонлигини ошириш. Мазкур икки масала ҳам давлатимиз раҳбарининг асосий диққат-марказида. Куни кеча Давлатимиз раҳбари раислигида янги уй-жойлар қурилиши ва 2023 йилги ипотека дастури бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда жорий йилда уй-жой қуриш ҳажмини 1,5 баравар ошириб, 90 мингга етказиш режалаштирилгани таъкидланиб, Президент бу ишлар ҳар бир вилоят иқтисодий кўрсаткичлари ўсишига катта туртки беришини айтиб ўтди. Шу боис аҳоли ва қурувчилар учун 4 та йўналишда янги енгиллик ва имкониятлар белгиланди.

Аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлашга қаратилган яна бир лойиҳа – “Менинг биринчи уйим” дастури. Бунинг учун Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузурида махсус уй-жой компанияси ташкил этилади. Тошкент вилояти Зангиота туманидан 36 гектар ер ажратилиб, 58 та кўп қаватли уй, ижтимоий муассасалар, кўнгилочар масканлар қурилади. Бунда тадбиркорларга савдо ва тижорат майдонларини бозор нархида сотиш орқали уй-жойлар нархини арзонлаштиришга эришилади.

Иккинчидан, қурилиш таннархини пасайтириш учун ёғоч, фанера, ёғочли опалубка ва ойнани импорт қилишда 2025 йилга қадар божхона божи бекор қилинади. Юқори маркали цемент бўйича божхона божи имтиёзи яна 1 йилга узайтирилади. Бунинг ҳисобига уй-жой қуриш таннархи 5 фоизгача пасаяди.

Пудратчи ташкилотларга қурилаётган уйни қаватма-қават гаровга қўйиш ва ҳар бир қавати учун кредит олиш ҳуқуқи ҳамда қурувчи компанияларга ҳар бир кўп қаватли уй учун компенсация ва кафиллик берилади.

Банклар берадиган кредитларни давлат томонидан қайта молиялаш амалиёти давом эттирилади.

Учинчидан, уй-жойларнинг ўз вақтида фойдаланишга топширилиши ва харидоргирлигида коммуникация асосий масала. Шу боис Иқтисодиёт ва молия вазирлигига инфратузилма учун зарур маблағ ажратиш, вилоят ҳокимларига янги массивларда ички йўлларни қуриш бўйича кўрсатмалар берилди.

Эски уйлар кўп бўлган шаҳарларда реновация дастурига талаб ортаяпти. Давлатимиз раҳбари бунинг ҳуқуқий пойдевори бўлиши кераклигини таъкидлаб, “Реновация тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни таклиф этди.

Энг аввало, инсон қадрини улуғлаш, улар учун муносиб турмуш шароитини яратишнинг бош омили – бевосита уйли бўлиш, шу билан бир қаторда обод ва файзли яшаш билан чамбарчас боғлиқ. Бугун бундай масалалар ҳаётимизда реал ўз ифодасини топяпти. “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш билан боғлиқ мазкур мега лойиҳа натижасида 300 мингдан зиёд аҳолини уй-жой билан таъминлаш мақсад қилинган.

– 40 йиллик меҳнат фаолиятим даврида сўнгги 5 йилда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари бўлмаган, – деди Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Архитектура бошқармаси бўлим бошлиғи Зебохон Юсупова. – Авваллари йилига бир ёки иккита қайсидир бир вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қарор қабул қилиниб, ўша ҳудудда қурилиш ишлари амалга оширилларди. Бугунги кунда ҳаттоки, қишлоқ жойларида ҳам 5-7 қаватли, шаҳар ҳудудларида 12-16 қаватли уй-жойлар қурилишига эришдик. Бўларкану, Президентимиз бизнинг юрагимиздаги, биз архитекторларнинг қалбидаги фикрларни ўқий олдилар. Давлат раҳбари ҳудудларга ташрифи жараёнида биринчи навбатда ана шу ҳудуднинг Бош режаси мавжуд ё мавжуд эмаслиги билан қизиқади. Ана шу ўрганишлар асносида мана бугун ҳамма ҳудудларда бир вақтнинг ўзида худди шундай кўп қаватли уй-жойлар қурилиши давом этмоқда.

Пойтахтимизнинг Янгиҳаёт туманида 12,7 гектар майдонда қад ростлаётган турар жой массиви ҳам “шаҳар ичидаги шаҳар” кўринишини олмоқда.

– 2017 йили Давлат раҳбари Сергели туманига ташриф буюрганларида 500 дан ортиқ кўп қаватли уйлар қурамиз, дея айтгандилар, – деди “Янги Дархон” МФЙ раиси Фурқат Ортиқов. – Лекин бугунги кунга келиб қурилган уйларнинг сони 1 000 дан ортиб кетди. Оддий бир мисол, бу ерда “Янги Ўзбекистон” массиви қурилди. Тўғрисини айтсам, дастлаб, бу ерлар тўқай бўлса уй қуриб бўлармикин, одамлар келиб яшай оладими, деб ишонмагандим. Ҳашаматли бинолар, уйлар қурилишига ишонмагандик. Бу йил 1938 та хонадонга мўлжалланган барча қулайликларга эга 24 та кўп қаватли бино қурилди. Мазкур турар жойларни қуриш учун 2022 йил апрель ойида тамал тоши қўйилган бўлса, март ойидан бошлаб аҳоли кўчиб кела бошлади. Бундай шароитларнинг яратилишида Давлат раҳбарининг ҳиссаси ниҳоятда катта. Чунки, мамлакат раҳбари инсонларнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш мақсадида мана шу ишларни олиб боряпти.

Айни пайтда 5,6 гектар майдонда 2 босқичда 24 та 16 қаватли уйлар қуриб битказилди. Қурилишда сейсмология ва замонавий архитектура талабаларига алоҳида эътибор берилиб, энергия тежовчи, сифатли, маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланилган. Хонадонлар коммуникация тармоқларига уланган. Уйларнинг барчаси икки, уч хоналардан иборат. Муҳими энди хонадон соҳибларининг ўз уйи бор.

Янги тартиб асосида уй-жойга муҳтож бўлганларга субсидия ажратиш тизими аҳолига жуда қўл келяпти. Давлат раҳбарининг бу ташаббуси, таъбир жоиз бўлса, оталарча ғамхўрлиги бугун минглаб уй-жойга муҳтож ёш оилалар учун ҳам чин маънода ҳаёт қувончини улашмоқда. Қайд этилган йиғилишда ҳам бу масалага алоҳида тўхталиб ўтилди. Аввало, субсидияга ажратилган маблағларни тезроқ ишлатиш учун субсидия хабарномасининг амал қилиш муддати 12 ойдан 4 ойга туширилади. Шу билан бирга, бу ойлар давомида сертификатидан фойдаланмаган фуқароларга субсидия олиш учун яна қайта мурожаат қилиш ҳуқуқи берилади.

Шунингдек, эндиликда уй-жойларни харид қилиш учун кўпроқ аҳолини қамраб олиш мақсадида расмий даромади етарли бўлмаган аҳолига ҳам ипотека кредити олиш имкони яратилади. Уларнинг тўлов қобилиятини аниқлашда банк картасидаги айланма, ижара, коммунал ва бошқа харажатларга тўланган пуллари ҳам ҳисобга олинади. Дастлабки бадални кўпроқ тўлаган фуқаролар банкдан арзонроқ кредит олиш имкониятига эга бўлади.

Янги ҳаёт туманида қад ростлаган “Янги Ўзбекистон” массивида ҳам субсидия ва банк кредитлар ҳисобига уй-жой харид қилганлар кўпчиликни ташкил этади.

– 2012 йилдан бери, қарийиб 11 йил ижарада яшадим, – деди Бекзод Азаматов. – Ижарада яшаш қанчалар мураккаб эканини шу ҳолатга тушганлар билади. Уйда қулай шароит бўлмаслиги ва йилдан-йилга нархларнинг ошиб бориши бизнинг оиламизни қийнаб қўйди. Ҳар йили пул жамғариб, шахсий уйни сотиб олишга ҳаракат қилардим. Лекин етарли маблағ йиғолмадим. Президентимизнинг ташаббуси билан субсидия ажратиш тартиби йўлга қўйилди. Шу асосида мен “Янги Ўзбекистон” массивидан 3 хонали уй олдим. Президентимиз менинг 10 йиллик орзуим ушалишига ўзларининг қарорлари билан, ёшларга бўлган эътиборлари билан ҳисса қўшдилар.

Таъкидлаш лозимки, “Янги Ўзбекистон” массивидаги ушбу уйлар қуйма монолит услубда қурилган бўлиб, 9 баллга лойиҳалаштирилган. Ҳаво ҳароратини мўътадил сақлаш мақсадида базальт қопламаларидан фойдаланилган, турар жой биноларининг том қисмида эса қуёш панеллари ўрнатилмоқда.

– Пойтахтимизнинг Янгиҳаёт туманида жойлашган “Янги Ўзбекистон” массивидаги 24 та 16 қаватли турар жойлар бугунги кунда узлуксиз энергия билан тўлиқ таъминланган, – деди “Ўзшаҳарқурилиш инвест” ИК мутахассиси Фарруҳ Дўстов. – Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган тегишли Фармонига мувофиқ қуёш панелларидан кенгроқ фойдаланиш йўлга қўйилмоқда. Шу мақсадда “Янги Ўзбекистон” массивидаги мазкур 24 та 16 қаватли уйнинг том қисмида қуёш панеллари ўрнатиш ишлари бошланди. Бу босқичма-босқич ҳамма уйларнинг том қисмида тўлиқ ўрнатилади. Мазкур қуёш панеллари ҳар бир уйнинг ички йўлакларини ёритиш тизимига хизмат қилади, шунингдек, ташқи ёритиш тизимлари ҳам шу муқобил энергия асосида ёритилмоқда. Бу ташаббус келгуси йилларда амалга ошириладиган қурилишларда ҳам кенг миқёсда қўлланилади.

“Янги Ўзбекистон” массивлари комплекс ривожланиш тамойили асосида бунёд этилаётган ушбу уйлар жойлашган ҳудудларда бир пайтнинг ўзида саноат лойиҳалари, ишлаб чиқариш, савдо шохобчалари ва ижтимоий соҳа объектлари ҳам барпо этилмоқда. Демак, бу орқали одамлар ҳам уйли ҳам ишли бўляпти. Шунингдек, массивда 290 ўринли мактаб, 360 ўринли мактабгача таълим ташкилоти ҳам барпо этилмоқда. Мазкур объектлар келгуси ўқув йилида фойдаланишга топширилади.

Президентимиз раислигида ўтган йиғилишда аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлашга қаратилган яна бир лойиҳа – “Менинг биринчи уйим” дастури. Бунинг учун Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузурида махсус уй-жой компанияси ташкил этилади. Тошкент вилояти Зангиота туманидан 36 гектар ер ажратилиб, 58 та кўп қаватли уй, ижтимоий муассасалар, кўнгилочар масканлар қурилади. Бунда тадбиркорларга савдо ва тижорат майдонларини бозор нархида сотиш орқали уй-жойлар нархини арзонлаштиришга эришилади.

Инсон қадри. Бугун мамлакатимизда ушбу эзгу ғоя асосида амалга оширилаётган ишларга тўхталадиган бўлсак, аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар нафақат пойтахт, балки бутун мамлакат бўйлаб кенг қулоч ёйган. Бу каби ишлар ягона мақсад – бугун Давлатимиз раҳбари илгари сурган инсон қадрини улуғлашга хизмат қилмоқда.

# Беш йилда 73 та кўприк барпо этилди

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,** “Oʻzbekiston bunyodkori” мухбири.

**Қашқадарё вилоятининг тоғли ҳудудларидан бири – Деҳқонобод туманида яшовчи аҳолининг турмуш тарзи бошқа туманлардагига қараганда анча фарқ қилади. Аксарият қишлоқлар адирликда ва бир-биридан анча олисда жойлашган бўлиб, йўллар ҳамда ички кўчалар эътиборсизликдан ўнқир-чўнқир ҳолатга келиб қолган. Айниқса, ёғингарчилик мавсумида сел-тошқинлар йўлларни ювиб кетиши оқибатида зарурат юзасидан бир қишлоқдан иккинчисига бориш учун аҳоли ҳатто бир неча километрни айланиб ўтишга мажбур эди.**

Юртимизда бошланган изчил ислоҳотлар деҳқонободликларнинг ҳам орзу-истакларини босқичма-босқич рўёбга чиқармоқда. Ўтган беш йил оралиғида туманда ўндан ортиқ саноат корхоналари, турли ишлаб чиқариш тармоқлари, мактаблар, тиббиёт пунктлари ва мактабгача таълим ташкилотлари фойдаланишга топширилиб, мингга яқин янги иш ўрни яратилди.

Ҳудуддаги асосий муаммолардан бири кўчалар эди. Ҳозирда тумандаги аксарият ички йўллар таъмирланиб, қум-шағал ётқизиляпти. Электр энгергияси ускуналари ва трансформаторлар ҳам янгиланиб, аҳолига қулай шароит яратилмоқда. Айниқса, қишлоқларни бир-бири билан боғловчи мустаҳкам кўприкларнинг қурилиши аҳоли учун қулайликлар яратмоқда.

– Маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли 576 та хонадонда 3 675 нафар аҳоли яшайди, – деди “Оқтош” МФЙ раиси Баҳриддин Абраев. – Аҳоли ўз юмуши билан бирон жойга бориши учун кўприк бўлмагани сабабли ҳудуддан оқиб ўтадиган Кичик ўра дарёсини айланиб ўтишига тўғри келади. Баҳор ойлари сел-тошқин сувлари сабаб дарё ўзанидан тошиб, қурган кўприкларимизни оқизиб кетаверарди.

Таъкидланганидек, ҳудудда ишлаб чиқаришлар шакллантирилгандан сўнг туманда иқтисодиёт ҳам шунга муносиб ривожланишни бошлади. Бу эса, ижтимоий масалаларни қарор топтиришга имкон яратмоқдар. Жумладан, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида ўтган йили биргина “Оқтош” МФЙ ҳудудидаги Оқтош, Терксой ҳамда Жийдабулоқ қишлоқлари аҳолиси учун тўртта замонавий кўприк қуриб берилди. Бугунги кунда маҳалла аҳли ва автомобиллар Кичик ўра дарёси устидан бехавотир ўтиб қайтмоқда. Белибойли маҳалласидагилар учун ҳам кўприк масаласи кўп йиллик муаммо бўлиб, бу ерда сел туфайли бир нечта кўнгилсиз ҳолатлар содир бўлган. Туман ҳокимлиги муаммога ўз вақтида эътибор қаратиб, аввалги кўприк ўрнида 60 метрлик мустаҳкам кўприк қуриб берилди.

Умуман, бугун туманда кўприк қуриш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда. Маълумотларга кўра, сўнгги 5 йил оралиғида 73 та кўприк бунёд этилган. Яқин орада Белибойли, Бошчорбоғ, Бойқўрғон, Чилгаз ҳамда Торқопчиғай каби маҳаллаларда яна 5 та замонавий кўприк қурилиши режалаштирилган бўлиб, айни пайтда лойиҳа-смета ҳужжатлари юзасидан ишлар олиб борилмоқда.

# “Андижон” шаҳарчаси бунёдкорлик майдонига айланди

**Зиё СИРОЖ,** “Oʻzbekiston bunyodkori” мухбири.

**Шу кунларда Булоқбоши туманидаги “Андижон” шаҳарчасида қурилиш ишлари қулоч ёймоқда. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан адирликнинг фойдаланилмай турган қисмида янги саноат ҳудудини ташкил этишга киришилди. Лойиҳа фойдаланишга топширилгач, минглаб булоқбошиликлар доимий даромад манбаига эга бўладилар.**



“Kromsan” МЧЖ турк инвесторлари билан ҳамкорликда ушбу манзилда матони бўяш ва ёрдамчи ускуналар ишлаб чиқариш корхонасига асос солди. Бунинг учун 1,5 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ажратилган. Корхона ишга туширилгач, 200 та янги иш ўрни яратилади.

“Hamkor Imperial” МЧЖ ҳам 32 миллиард сўмлик лойиҳа асосида бўёқ цехини ишга тушириш мақсадида қурилиш ишларига киришган. Корхона иш бошлагач, вилоятда ривож топган тўқимачилик йўналишида фаолият юритаётган ишлаб чиқариш объектлари учун катта имконият эшиклари очилади.

Бир сўз билан айтганда, шу пайтгача ўзлаштирилмаган манзиллар тез орада даромад манбаига айланади.

# Мутахассислар ва бўлажак кадрлар учрашуви

**Ҳилола ИСМАТОВА,** “Oʻzbekiston bunyodkori” мухбири.

**Мамлакатимизда қурилиш соҳаси йилдан-йилга ўсиб, ёш кадрлар ва мутахассисларга эҳтиёж ортди. Чуқур билимга эга мутахассисларни тайёрлаш юзасидан давлатимиз томонидан олиб борилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда.**

Хусусан, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети негизида ташкил этилган Навоий архитектура ва қурилиш техникумида бино ва иншоотлар қурилиши, архитектура, электр станциялари тармоқлари ва тизимларини таъмирлаш, йўл қурилиши ва кўтарма транспорт машина-механизмлар машинисти, компьютер инженери, бухгалтерия, ахборот воситалари машиналари ва компьютер тармоқлари каби йўналишларда ўқувчиларга касб сирлари ўргатиляпти.

Айни пайтда техникумда 121 нафар ўқувчига 18 нафар ўқитувчи ва ишлаб чиқариш устаси таълим бериб келмоқда. Бўлажак мутахассислар амалиёт жараёнларини сифатли ва самарали ўтказиши учун турли русумдаги техника воситалари харид қилинган. Университет билан Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси ўртасида тузилган қўшма режага асосан, йил бошидан буён архитектор ва муҳандислар иштирокида семинар, давра суҳбатлари ўтказиляпти.

Яқинда вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи Акбар Ниёзов Навоий архитектура ва курилиш техникумида бўлиб, ўқув устахоналари ва моддий-техник базаси билан танишди. Ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълими усталари, ўқувчилар билан давра суҳбати ўтказди. Тадбирда бугун вилоятда олиб борилаётган қурилиш жараёнлари, кўп қаватли уйларнинг тикланиши, янги объектлар қурилишида сифатли материаллардан фойдаланишнинг муҳимлиги юзасидан батафсил тушунчалар берилди.

Шунингдек, учрашувда қурилишлар сифатини оширишда нималарга эътибор қаратиш кераклиги, аҳолини уй-жой билан таъминлаш бўйича яратилаётган имкониятлар, техникум битирувчиларининг иш билан таъминланиши каби саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоб берилди.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№27 (680) 2023 йил 7 апрель

# Правительство Республики Узбекистан

**получило финансирование от Всемирного банка на реализацию проекта “Развития сельской инфраструктуры” и намерено направить часть вырученных средств данного кредита для финансирования правомочных платежей на выполнение проектно-изыскательных работ, разработки рабочего проекта и авторского надзора по следующим объектам:**

| Номер пакета | Наименование объекта | Расчетная стоимость услуг |
|---|---|---|
| MOEI-RIDP-DJI-CS-59 | Щебневание внутренних дорог в МСГ “Турттом” Зааминского района Джизакской области | 39 630 000 сум без НДС |

## ГУП “Служба единого заказчика” Джизакской области

(далее именуемый “Заказчик”)

приглашает проектные организации представить объединенные технические и финансовые (однопакетные) предложения по выполнению проектно-изыскательных работ, разработки рабочего проекта и авторского надзора по вышеназванному объекту.

Более подробная информация об услугах приведена в Техническом задании.

Заинтересованные правомочные проектные организации могут получить более подробную информацию и тендерную документацию в Консалтинговом центре по организации конкурсных торгов в строительстве по Джизакской области до 21 апреля 2023 г.

**Предложения должны быть представлены в Консалтинговый центр по организации конкурсных торгов в строительстве по Джизакской области по следующему адресу:** г. Джизак. ул. Ш. Рашидова, дом, 1 (здание Главного управления строительства, 1-этаж) .

**Подача предложений:**

а) заявки должны быть представлены в форме, прилагаемой в тендерной документации;

б) крайний срок подачи заявок – 21.04.2023 года, 16.00;

с) адрес для подачи заявок – Консалтинговый центр по организации конкурсных торгов в строительстве по Джизакская обл., г. Джизак. ул. Ш. Рашидова, дом, 1 (здание Главного управления строительства, 1-этаж).

**Тел.:** 72-771-64-32.
**Факс:** 72-771-64-31.
**E-mail:** jiztender@mail.ru
**Ответственный представитель Консалтингового центра:** Шухрат Уралов.

Предложения должны быть получены нарочно по адресу и не позднее указанной выше даты и времени.

Предложения, поступившие после истечения крайнего срока подачи, не будут рассматриваться. Любое предложение, полученное после истечения крайнего срока подачи, объявляется опоздавшим, отклоняется и возвращается участнику торгов нераспечатанным.

# Правительство Республики Узбекистан

**получило финансирование от Всемирного банка на реализацию проекта “Развитие сельской инфраструктуры” и намеревается направить часть вырученных средств на выплаты по контракту для подрядных работ по следующим объектам:**

| Номер пакета | Наименование объекта | Сметная стоимость согласно заключению Госэкспертизы | Срок строительства |
|---|---|---|---|
| MOEI-RIDP-SYR-W-23 | Щебневание внутренних дорог в МСГ “Бобоюрт” (5 км), МСГ имени Мукими (11 км), МСГ “Янгибустон” (5,16 км), МСГ имени Амира Темура (3,6 км) Баяутского района и оснащение уличным освещением пешеходного тротуара в МСГ “Озодлик” (0,9 км) Баяутского района Сырдарьинской области | 3 499 543 621 сум без НДС | 120 календарных дней |
| MOEI-RIDP-SYR-W-24 | Строительство стадиона с искусственным покрытием на территории школы №16 в МСГ “Пахтакор”, школы №27 и школы №44 в МСГ “Бунёдкор” Баяутского района и школы №27 в МСГ “Кахрамон” Хавастского района Сырдарьинской области | 2 395 394 856 сум без НДС | 90 календарных дней |
| MOEI-RIDP-SYR-W-25 | Щебневание внутренних дорог в МСГ “Кайирма” (11 км) Хавастского района Сырдарьинской области | 1 475 075 987 сум без НДС | 90 календарных дней |
| MOEI-RIDP-SYR-W-26 | Строительство пешеходного моста в МСГ “Юксалиш” («Озодлик»), реконструкция и текущий ремонт трубчатых переходов в МСГ “Дустлик” Баяутского района Сырдарьинской области | 225 171 121 сум без НДС | 30 календарных дней |
| MOEI-RIDP-SYR-W-27 | Электроснабжение в СГМ “Бирлашган” (10 км) Сардобинского района и МСГ “Бобоюрт” (2 ТП) Баяутского района | 856 030 914 сум без НДС | 27 календарных дней |

## ГУП “Служба единого заказчика” при Сырдарьинском областном хокимияте

приглашает подрядчиков принять участие в Торгах на выполнение вышеописанных работ. Торги будут проводиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в “Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка” и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Консалтинговом центре по организации тендерных торгов по Сырдарьинской области и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу.

Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Сумма для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов договорная.

| | |
|---|---|
